Аллоҳнинг исми билан чиқдик

15:40 / 03.07.2019 3359

Абу Молик Ашъарий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Киши уйига кираётганида:

اللهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ خَيْرَ الْمَوْلَجِ وَخَيْرَ الْمَخْرَجِ بِسْمِ اللهِ وَلَجْنَا وَبِسْمِ اللهِ خَرَجْنَا
وَعَلَى اللهِ رَبِّنَا تَوَكَّلْنَا

«Аллоҳумма инний асъалука хойрал мавлажи ва хойрал махражи, бисмиллаҳи валажна ва бисмиллаҳи хорожна ва ъалаллоҳи роббина таваккална».

Маъноси: Эй Раббим, Сендан киришнинг ҳам, чиқишнинг ҳам яхшисини сўрайман. Аллоҳнинг исми билан кирдик. Аллоҳнинг исми билан чиқдик. Раббимиз Аллоҳга таваккал қилдик, деб айтиб, сўнгра аҳлига салом берсин», дедилар.

Абу Довуд ривоятлари

Имом Нававийнинг «Ал-Азкор» китобидан